



Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

31
(776)-son

3-avgust

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Таиландда ўтказилган "TAITRONICS BANGKOK 2007" ахборот технологиялари кўргазмасида EzKEY компанияси томонидан ажойиб дизайнерлик ғояси намойиш этилди. Синқонча+клавиатурадан иборат қурилма барча иштирокчилар диққатини ўзига жалб қилди.

Синқонча одатдагидек икки тугма ва битта филдиракчадангина иборат эмас: унда рақамли клавиатура ҳам жойлашган. Ушбу янгилик ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланувчи ва клавиатураси мавжуд бўлмаган ноутбук эгалари учун ажойиб совға бўлди.



Ушбу сонда:

**ЮТУҚЛАР
САЛМОҚЛИ,
ВАЗИФАЛАР
УЛКАН**

2-БЕТ ➔

**ТЎЙГА
ТЎЁНА БИЛАН**

5-БЕТ ➔

**ЦЕНТРУ
UZINFOCOM —
ПЯТЬ ЛЕТ**

6-БЕТ ➔

**ИНТЕРНЕТГА
МАРҲАМАТ!**

12-БЕТ ➔

**КЕКСАЙИШДАН
САҚЛАНИШ
МУМКИНМИ?**

14-БЕТ ➔




**ЙЎЛЛАРИНГИЗ ОЧИҚ БЎЛСИН,
ЁШЛАР!**

1 август куни мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида абитуриентларни талабалikka қабул қилиш бўйича тест синовлари бўлиб ўтди.

3-БЕТ ➔



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 июл кuni Оксаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимовни қабул қилди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

✓ Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 июл кuni Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари раҳбарлигида фаолият юритувчи Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов иштирок этди.

Мажлисда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Икки давлат Президентларининг учрашувларида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни атрофлича таҳлил қилинди.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007-2016 йилларда иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазири ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди.

Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси қатнашчилари Қозоғистон Тараққиёт банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этди.

✓ **Матбуотда "2007-2011 йиллар мобайнида Кимё sanoati корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ҳамда "Ҳақамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни чоп этилди.**

✓ Марғилонда шаҳарнинг қутлуг тўйи муносабати билан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бир қатор замонавий ва тарихий иншоотларни фойдаланишга топшириш тадбирлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз вазири ва идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этган мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган "Марғилон шаҳарининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига биноан шаҳарда кенг қўламли қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилганлиги алоҳида таъкидланди.



✓ **Чирчиқ шаҳрида Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари анъанавий фестивали бўлиб ўтди. Уч кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари ўзлари тайёрлаган миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини намойиш этидилар.**

Фестивалнинг бош соврини — Гран при Бухоро вилояти жамоасига берилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолибларга совғалар топширилди.

HAY'AT YIG'ILISHIDA

Тошкент ахборот технологиялари университети мажлислар залида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъатининг 2007 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Ютуқлар салмоқли, вазифалар улкан



Унда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, Агентлик ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, ТАТУ раҳбарияти ва баъзи факултет деканлари қатнашишди. Мажлис видеоселектор орқали вилоятларга, радиоселектор орқали туманларга узатилди.

Кенгайтирилган мажлисини Агентлик Бош директори А.Арипов бошқарди. Кун тартибининг асосий масаласи — "2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев маъруза қилди.

Маърузада таъкидланишича, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш учун 2007 йилда белгиланган олинган устувор вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш йўлида қатор ишлар амалга оширилган ва сезиларли ижобий натижаларга эришилган. Утган давр мобайнида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 369,1 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди (утган йилга нисбатан ўсish суръати — 46,5 фоиз), шу жумладан аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 228,8 млрд. сўмни ташкил этди, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 11,0 фоиз, ёзма хат-хабарлар ҳажми 5,3, жўнатмалар 22 фоизга ўсди.

Хисобот даврида асосий телефонлар сони 16,4 мингга ошди ва 2007 йил 1 июл ҳолатига кўра 1790,8 минг донани ташкил қилди. Жорий йилнинг 1 июл ҳолатига кўра уяли алоқа абонентларининг сони 3744,0 мингтани ташкил этди. Йил бошида бу кўрсаткич 2720 мингга эди.

Экспорт ҳажми 16,9 миллион, импорт эса 19,43 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йил биринчи ярим йиллигида Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар

бўйича 120,73 млрд. сўмлик инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилди.

Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 2,95 млрд. сўмлик капитал кўйилмалар амалга оширилди. Бундан ташқари Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг билим олишлари қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳозирги кунда университет ҳудудида иккита уч қаватли ўқув биносини қуриш ишлари олиб берилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Тараққиёт банкнинг лизинг асосида "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида Хуавей компанияси томонидан 1,3 ва 5-ЛОТлар бўйича қурилмалар келтирилди.

1-ЛОТ бўйича CDMA-450 технологиясида ишловчи 20 минг рақам сифимига эга иккита коммутатор Тўйтепа ва Наманган шаҳрида ўрнатилди. Самарқанд шаҳридаги мавжуд коммутатор 20000 сифими кенгайтирилди. Республика бўйича 70та база станциясидан 30тада монтаж ишлари якунланди ва навбатма-навбат коммутаторга улашиб, тест синов ишлари олиб бо-рилмоқда. Қолган база станцияларида ҳам монтаж ишлари давом эттирилмоқда. 3-ЛОТ бўйича Тошкент шаҳридаги мавжуд аналог станцияларни реконструкция ва кенгайтириш ишлари тугатилди ва синов ишлари олиб бориляпти.

5-ЛОТ бўйича "Ўзбектелеком" АКнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Андижон, Наманган ва Қорақалпоғистон Республикасида рақамли телефон станцияларидаги умумий рақам сифими 55640 портга кенгайтирилиб, ишга туширилди.

Хозирда 2 ва 4-ЛОТлар бўйича қурилмаларни келтириш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини сифатли телевидение ва радиоэшиштириш дастурлари билан таъминлаш бўйича республикаимиз ҳудудидаги 300дан ортиқ узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли

яшаш масканларига телерадио тарқатиш ускуналари ўрнатилди ва бугунги кунда мазкур қурилмаларни эксплуатацияга қабул қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

"Почта алоқаси тармоғини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги

турларини жорий этиш ва ривожлантириш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича қайта ишлаб чиқилган лойиҳанинг тақлиб техника иқтисодий асосланishi тегишли идораларга келишиш учун киритилди.

2007 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғига улашиб хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони — 693тага эди. 2006 йилнинг шу даврида бу миқдор 581та эди. **Интернетдан фойдаланувчилар сони эса 1,835 млн. тани ташкил қилди. Давлат бошқаруш органилари юз фоиз интернет тармоғига уланган.**

Айни пайтда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари сони 196тани ташкил этди. Агентликнинг расмий кўмағида 2007 йил 17-18 май кунлари дастурий маҳсулотларни ривожлантиришга йўналтирилган биринчи қўшма маъруза бўлиб ўтди. Агентликнинг расмий кўмағида 2007 йил 17-18 май кунлари дастурий маҳсулотларни ривожлантиришга йўналтирилган биринчи қўшма маъруза бўлиб ўтди. Агентликнинг расмий кўмағида 2007 йил 17-18 май кунлари дастурий маҳсулотларни ривожлантиришга йўналтирилган биринчи қўшма маъруза бўлиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2007 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборот марказига Электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитларини рўйхатдан ўтказиш Марказининг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома берилди.

Хозирги кунга келиб Фантехника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Давлат солиқ қўмитаси қошидаги ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш Марказлари томонидан умумий сони 7485та ЭРИ калитларининг сертификатлари берилди.

Агентлик тизимидаги "Койнот" ОАЖ томонидан 2007 йилнинг биринчи ярим йиллида 250 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, тўлиқ сотилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича раҳбар ходимлар ва мўҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш бўйича республикадаги турли малака ошириш марказларида жами 3633 нафар соҳа мутахассиси малака оширди.

2007 йилнинг биринчи ярим йили давомида Агентлик ва унинг тизимидаги корхоналар томонидан Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тадбирларини бажариш бўйича ҳамда Дастурдан ташқари кўрсатилган ҳомийлик ёрдами харажатлари жами 2,2 млрд. сўмни ташкил этди. Жумладан, 479 нафар ёлғиз пенсионер ва ногиронлар хонадонларига бепул телефон ўрнатилди.

Кўрсатилган хизматлар сифати бўйича корхоналарга тушган мурожатларнинг 4873таси шикоят тарқасида бўлиб, 9,1 фоизга камайган.

Маърузада биринчи ярим йил давомида йўл қўйилган камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хисобот даврида ҳудудий почта алоқаси корхоналари томонидан пенсия ва нафақа пуллари ҳамда қўшимча хизмат турлари бўйича тушган маблағларни ўзлаштириш бўйича 31 ҳолат аниқланган. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм филиалларида ўзлаштирилган пул маблағларининг миқдори 558,5 млн. сўмга етган. Ўзлаштирилган маблағнинг 87,7 млн. сўми айбдорлардан ундирилган ва уларга нисбатан интизомий ҳамда маъмурий жазо кўрилган. Қолган пенсия тўловлари почта филиаллари маблағи ҳисобидан пенсионерларга ўз вақтида тўлаб берилган.

"Ўзбектелеком" АКнинг "Тошкент Телеком", "Сирдарё Телеком", "Қашқадарё Телеком", "Қорақалпоқ Телеком", "Навоий Телеком" филиалларида ҳаффи кесилмаклар сони кўп миқдорни ташкил қилади. Компания томонидан қўшимча янги хизмат турларини ва сервис хизматларини кўрсатиш борасида реклама ишларини қўлайлаштиришга етарли даражада эътибор берилмаётган.

Ҳайъат мажлисида "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нурматов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, "UzNET" филиали директори А.Отақўзиев, "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажиддиновлар ҳам сўзга чиқиди. Мухокамаларда Радиоалоқа, радиоэшиштириш ва телевидение маркази бош директори М.Атамухамедов, "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали бошлиғи А.Жўрабоев, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Абидходжаев, Инженер-техник маркази бошлиғи Э.Аллаевлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йилгилишда соҳани ривожлантиришга йўналтирилган қонун ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш, Тармоқ дастурида белгиланган тадбирларни тўлиқ ва ўз мuddатларида амалга ошириш, соҳа ижтимоий ҳимоя масалаларига эътиборни янада қучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш, хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш, хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш сингари бир қатор вазифалар ҳам белгиланган олинди.

Қўрилган масалалар юзасидан Ҳайъат тегишли қарор қабул қилди. Мажлис сўнггида иштирокчилар Тошкент ахборот технологиялари университетининг янги бунёд этилаётган ўқув биноларини кўздан кечиришди.

.UZ доменини ривожлантириш



УШБУ ШИОР ОСТИДА НАВБАТДАГИ МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛ ЎЗ ИШНИ БОШЛАДИ

Бундан икки йил аввал Миллий интернет-фестивал баҳонасида .UZ доменидаги бир неча қизиқарли ва фойдали веб-сайтлар ҳақида маълумотга эга бўлган эдик. Ўтган вақт мобайнида, табиийки, бундай сайтлар сони бир неча баробарга ортди.

веб-сайтлари мавжуд. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, газетамизнинг www.xabar.uz сайти ҳам фестивал иштирокчиси ҳисобланади. Икки йил аввалги сайтимиздан фарқли ўларок, ҳозирда веб-сайтимиз янгича куралишига эга бўлди. Киритилаётган мақола ва янгиликлар ўқиш учун қулайлиги ин-

Жорий йилнинг 1 августидан 28 сентябрга қадар ўтказиладиган Миллий .UZ домени интернет-фестивали бизга яна янгидан-янги интернет ресурслари ҳақида хабардор бўлиш имконини беради.

Миллий матбуот марказида ушбу тадбирга бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев, фестивал ташкилотчилари – UZINFOCOM маркази ва «infoCOM.UZ» журнали вакиллари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар мазкур интернет-фестивални ўтказишдан мақсад .UZ домени сегментини ахборот ресурслари ва сервис хизматларини ривожлантириш, мавжуд ресурсларни инвентаризациядан ўтказиш, ҳамият ахборот маданиятини ошириш, энг яхши миллий ресурсларни тарғиб қилиш, интернет тармоғида ўзбек тилини қўллаш доирасини кенгайтиришдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 1 миллион 835 мингга етган.

Иккинчи даражадаги миллий .UZ домени 1995 йил 29 апрелда ташкил этилган. 2007 йил 31



июл ҳолатига кўра фақат иккинчи даражадаги фаол доменлар сони .UZ зонасида 4668тани ташкил этади. 199 домен эса фаоллаштирилиш арасида. Яна бир неча минг доменлар .UZ нинг учинчи даражасига тааллуқлидир. Жорий йил бошидан жами 1575 янги домен рўйхатга олинган. Бу кўрсаткичлар голиблик учун кураш қизғин кечиниши, ҳайрат аъзоларига эса катта вазифа юлганини билдиради. Биргина оммавий ахборот воситалари сайтларини мисол қилиб оладиган бўлсак, ўтган фестивалда уларнинг сони йигирмага яқин эди, ҳозир эса юздан ошди ОАВ ва даврий нашрларнинг

тернетда ҳам ўқувчиларимиз сонининг ошишига замин яратмоқда.

Фестивалда иштирок этиш учун .UZ доменида рўйхатдан ўтган сайт эгаси ёки ҳар қандай хоҳловчи www.if.uz веб-сайтига кириб, анкета тўлдириши керак. Ариза берувчи томондан тақдим этилган веб-сайтлар сони чекланмайди. Ариза берувчи тақдим этган ресурсларнинг танловдаги номинациясини ҳам ўзи белгилайди.

Иштирокчиларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда кўзга кўринган мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилади.



Танловда голиблар 15 номинация бўйича аниқланади:

1. Фан ва таълим соҳасидаги энг яхши сайт.
2. Интернет нашрлари бўйича энг яхши сайт. Ўзининг нашрий (ёки эфир) талқинига эга бўлмаган янгиликлар тарқатувчи, ахборот ва бошқа даврий ресурслар иштирок этадилар.
3. Аънавий ОАВ (газета, журнал, радиостанция, телевизион каналлар ва бошқалар) соҳасидаги энг яхши сайт.
4. Давлат бошқаруви ҳақидаги энг яхши сайт.
5. Ёшлар учун мўлжалланган энг яхши сайт.
6. Маданият ва санъат соҳасидаги энг яхши сайт.
7. Жисмоний тарбия, спорт, туризм, дам олиш ва саёҳат соҳасида энг яхши сайт. Агар ушбу номинация иштирокчилари сони кўпчиликини ташкил этса, унда у иккига бўлиниши мумкин: жисмоний тарбия ва спорт ҳамда туризм, дам олиш ва саёҳат.
8. Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш бўйича энг яхши сайт.
9. Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт.
10. Энг яхши корпоратив сайт.
11. Электрон савдо бўйича энг яхши сайт.

12. Минтақавий-ўлкашунослик бўйича энг яхши сайт.
13. Энг яхши шахсий саҳифа.
14. Давлат тилидаги энг яхши сайт.
15. Ўзнетнинг энг яхши блоггери.

Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари фестивал дипломи ва соврини билан тақдирланади.

Танлов икки bosқичда ўтказилади:

1. 2007 йилнинг 1 августидан 15 сентябргача иштирокчилар номинациялар бўйича сараланади.
 2. 15 сентябрдан ҳакамлар ўз ишнини бошлайди. 28 сентябр куни фестивал голибларини тақдирлаш маросими ўтказилади.
- Умуман олганда, интернет-фестивал аҳоли орасида интернет тармоғини оммавийлаштириш, уни ижодкорлик, касбий фаолият, дам олиш майдони, ишончли ва тезкор ахборот олиш манбаига айлантириш ҳамда ўсиб келаётган авлодда Ўзбекистон тарихи, маданияти ва миллий аънавларига ҳурмат билан қарашни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Лутфилло ТУРСУНОВ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Бугунги ҳаётимизни, лоақал бир кунимизни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш мумкинми? Албатта, бу саволнинг жавоби аниқ. Дарҳақиқат, илгор технологиялар, тезкор коммуникация воситалари ҳозирда ҳар бир соҳада оғиримизни енгил қилувчи энг яқин кўмакчимизга айланиб бормоқда. Бу, табиийки, соҳанинг нуфузи билан бирга унинг даромадгирлигини ҳам оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳолат ҳамда малакали, чуқур билимга эга алоқа ва ахборотлаштириш йўналишидаги мутахассисларга бўлган талабнинг ошиши Тошкент ахборот технологиялари университетининг йилдан-йилга кенгайишига, кўпроқ мутахассислар тайёрлашига замин ҳозирламоқда. Шунга мувофиқ, университет талабаси бўлиш истагида ҳужжат топширувчи ёшларнинг сафи йил сайин кўпайиб бораётди.


Университет қабул комиссиясидан олинган маълумотларга кўра, 2007/2008 ўқув йили учун пойтахтда ҳужжат топширган абитуриентлар сони 6384 нафарни ташкил этган. Бу ўтган йилгидан 6 фоиз юқори бўлиб, давлат гранти учун ҳар бир ўринга 15, жами ҳисоблаганда эса ўртача 6 нафар абитуриент даъвогарлик қилишини аниглади. Қабул комиссияси масъул котиби ўринбосари Шавкат Худойбергановнинг

Давлат тест маркази маълумотларига кўра, талабалikka номзод 345 минг 200 нафар абитуриент билимлар синовида қатнашди. Мамлакатимиз Президентининг "2007/2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бакалавриятга ажратилган 51604 ўринга 19945 нафар абитуриент давлат гранти, 31659 нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.

Йўлларингиз очик бўлсин, ёшлар!

айтишчи, доимо талаб катта бўлиб келган телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш, радиотехника, иктисодиёт, менежмент йўналишлари қаторига ўтган йили янги очилган мобил алоқа тизимлари ва сервис (электроника ва компютер техникаси) йўналишлари ҳам қўшилган ва ҳар бир ўрин учун олиб бориладиган билимлар кураши янада шиддатли тус олган.

ТАТУнинг филиалларига ҳужжат топширувчилар сони ҳам ошиб бормоқда. Бу йил улар учун жами 619 талабалик ўрни ажратилган бўлиб, Самарқанд филиали 205, Фарғона филиали 204, Урганч филиали 80, Қарши филиали 75 ва Нукус филиали 55 талабани ўз



барига олади. Эътиборли томони, 2007/2008 ўқув йили учун илк бора Самарқанд ва Фарғона филиалларида телекоммуникация йўналишида ҳам абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинди. Қабул комиссиясидан олинган маълумотларимизга кўра, келгуси йили барча филиалларда сервис йўналишини йўлга қўйиш ҳам режалаштириляётган экан.

Бундан олдин физика-математикага ихтисослашган мактаб-интернатда билимини оширди. Ахборот технологияларининг ҳаётдаги ролини мутахассис сифатида ўзим ҳам жуда яхши ҳис қилганлигим учун ўғлимнинг қарори менга маъқул келди. Пойтахтнинг нуфузли олий ўқув юрти талабаси бўлишдан бахт унга насиб қилсин, дейман.

Тилаволди Жўраев, пенсионер (Кўқон):

— Неварам Асрорбек иқтисодчи бўлиш ниятида имтиҳонда қатнашяпти. Мактабни аъло баҳоларга битирди. Келажакда касбини яхши эгаллаб, юртига фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишишдан умидворман. Ёшларимизнинг йўллари очилаверсин.

Отaxonнинг сўзларига қўшилишимиз — ёшларимизнинг йўллари очилаверсин. Зеро, бугун етуклик, баркамоллик сари яна бир қадам ташланди. Бу қадамлар залвори ватанимизнинг порлоқ келажигидан нишон. Ана шундай эзгу ишга бел боғлаган барча йигит-қизларга омад ёр бўлсин!

Собит АҲАДОВ, "Xabar" мухбири

Университетга кириш тест синовлари нафақат ТАТУ асосий биносида, балки пойтахтнинг Юнусобод туманидаги қатор мактабларда ҳам ўтказилди. Эрта тонгдан абитуриентлар билан бирга уларга руҳан далда бўлиш истагидида жуда кўплаб ота-оналар, яқинлари ҳам ташриф буюришганига гувоҳ бўлдик. Зеро, бундай масъулиятли паллаларда ота-она орзу-умидларини, мураббийлар ишончини оқлаш хисси ҳар бир ёш қалбга қўшқанот бўлиши аниқ.

Аъзамжон МАМАЖОНОВ, муҳандис-дастурчи (Андижон): — Ўғлим яхши ният, ўзига катта ишонч билан информатика ва ахборот технологиялари факултетига ҳужжат топшир-

XALQARO HAYOT

Янги станция ишга тушди 16

ТОШҚИНЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хитойдаги кучли ёмғирлар тўхтамаяпти. 17 июлдан буён давом этаётган кучли жаладан қурбон бўлганлар сони 80 нафарга етган. 300 киши жароҳатланган. Хукумат 470 минг одамни зудлик билан эвакуация қилди. 60 мингга яқин тураржойлар қулаб тушган. Электр ва транспорт тармоғи бутунлай издан чиқиб, қўллаб гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинлари сув остида қолди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, табиий офат мамлакатга 640 миллион долларлик зарар келтирди.



ҲАЗО СЕКТОРИГА НАВБАТДАГИ ҲУЖУМЛАР

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ҳазо секторининг марказий ҳудудларига ракета ҳужумларини йўллади. Натижада етти нафар Фаластин фуқароси жароҳатланди. Авиация ҳужумлари уч нафар жангари кетаётган автомобилга қаратилган эди. Исроил мудофаа вазирлиги вакилининг билдиришича, мазкур жангарилар мамлакат ҳудудига навбатдаги ракета зарбаларини беришга тайёргарлик кўраётгани аниқланган.



ТУРКИЯГА ВИЗАСИЗ САФАР

"Туркия ҳукумати бир қатор туркий тилли мамлакатлар аҳолисига нисбатан виза тизимини бекор қилди", — дея хабар беради "Today's Zaman" газетаси. Эълон қилинган қарорга кўра, Ўзбекистон, Озарбайжон, Мўғулистон, Тожикистон ва Туркменистон фуқаролари энди 30 кун муддатга Туркияга виза олмасдан ташриф буюришлари мумкин.

КОРЕЯ ФУҚАРОЛАРИ ГАРОВДА

Шу ҳафта бошида гаровга олинган жанубий корейлик фуқаро Сунг Чиннинг жасади Афғонистоннинг Анзар музофотидаги Аризо Кали қишлоғидан топилди. Бу Толиблар томонидан тутқунликда ушлаб турилибди, ўлдирилган корейлик фуқароларнинг иккинчисидир.



Ал-Жазира телеканали Сунг Чинни Толиблар ултиматуми бажарилмаганлиги сабабли отиб ташланаётган пайтини намойиш этган. Таҳминларга кўра гаровдагилар айна пайтда уч гуруҳга бўлинган ҳолда турли музофотларда тутқунликда ушлаб турилибди. Расмий Қобул террорчилар билан музокараларни давом эттиришни ва 16 нафар аёлнинг ҳеч қандай шартларсиз озод этилишини сўрапти. Толиблар эса гаровдагиларнинг озод этилиши эвазига айна пайтда ҳукумат қамоқхоналарида сақланаётган ўз тарафдорларидан 23 нафар шахснинг қўйиб юборилишини ҳамда Жанубий Корея контингенти мамлакатни тарк этишини талаб қилмоқда.

ДОВУЛЛАР КЎПАЙГАН

Кейинги пайтда иқлимнинг глобал тарзда ўзгариши туйғали Атлантикада довуллар охириги юз йилликда икки бараварга кўпайди, дея факр билдирмоқда тадқиқотчилар. Таҳлиллар дунё сув ҳавзаси ҳарорати кескин кўтарилиб бораётганини кўрсатмоқда. Океанда пайдо бўлаётган довуллар сўнгги тўрт-беш йил давомида дунё иқтисодиётига бир неча миллиард доллар миқдоридан зарар келтирди. Масалан, 2005 йилда АҚШга бостириб кирган биргина "Катрина" тўғони бир ярим минг одамнинг ҳаётига зомин бўлди ва 80 миллиард долларлик зиён етказди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ўзбектелеком" АКнинг телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида"ги Қарорини бажариш ҳамда Қашқадарё вилоятидаги олис тоғли ҳудудларни телефон алоқаси билан таъминлаш, вилоятдаги инфратузилма объектларини телефонлаштириш, маълумотлар узатиш, шу билан биргаликда интернет тармоғини ташкил этиш мақсадида Деҳқонobod туманидаги Одамтош станциясида, Чироқчи туманининг Қўқдала қўрғонига, Яқабоб, Қамаш, Косон туманларида, Қарши шаҳрида, Қашқадарё вилояти билан Самарқанд вилояти чегарасида жойлашган Тахтақорача станциясида "Ўзбектелеком Мобайл" филиали Қашқадарё бўлими томонидан база станцияларини ўрнаштириш режалаштирилган эди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг саяҳатчи боис "Қашқадарё Телеком" филиали томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган манзиллардаги таъмирлаш ишлари тўлиқ амалга оширилди ва кўп ўтмай "Ўзбектелеком Мобайл" филиали Қашқадарё бўлими мутахассисларининг меҳнати билан биринчи бўлиб, Одамтош станцияси ишга туширилди. Чироқчи туманининг Қўқдала қўрғонига, Косон, Яқабоб ва Қамаши станцияларида эса монтаж ишлари яқунланди. Айна пайтда Тахтақорача станциясида сўнгги монтаж ишлари олиб борилмоқда.

— Вилоятда талаб катта бўлган, умумий фойдаланадиган телефон рақам сигнамини оширишга ва мобил алоқа база станциялари қамраб олинмаган ҳудудларга база станция-



МУСТАФИЗЛИК ЭНГ ОЛИЙ НЕМАТ

лар қўйиш имконияти яратилганлигидан мамнунмиз, — дейди "Ўзбектелеком Мобайл" филиали Қашқадарё бўлими бошлиғи Араббой Раззоқов. — Бу каби кенг қўламли ишлар телекоммуникация хизматлари сифати ҳамда интернет тармоғидан фойдаланувчилар ва халқаро, шахрлараро сўлашувлар сонининг ошишига, янги технологиялар асосида қурилмалар киритилишига зомин яратмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ, «Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Сўнгги йилларда мамлакатимизда телерадио узатиш, телевидение ва радио соҳасида хизматлар кўрсатиш сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Соҳадаги ислохотлар, техник модернизациялаш жараёни натижасида юртимиз аҳолиси жаҳон стандартларига мос, энг замонавий техника воситалари орқали телевидение ва радио хизматларидан баҳраманд бўлмоқда.

учун ҳужжатлар расмийлаштирилмаган ҳолда ишлар амалга оширилган. Вилоят электромагнит мослашув хизмати (ЭММХ) дан лойиҳалаш ва қуриш учун ҳам ҳеч қандай рухсатнома олинмаган. Корхона раҳбари А.В.Кнаппинг масъулиятсизлиги оқибатида мазкур ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш учун тегишли органларга мурожаат этилмаган ва ноқонуний фаолият кўрсатиб келинганлиги боис бир неча бор вилотий Давлат солиқ бошқармасига ёзма равишда мурожаат этишимизга қарамасдан, бошқарма томонидан ҳеч қандай чора қўрилмаган.

Оқоридаги камчиликлар "Navoiytelevis" масъулияти чекланган жамияти кабел телевидениеси фаолиятида ҳам кузатилмоқда. Айниқса, лойиҳаланмаган тарзда олиб борилган қурилиш-монтаж ишлари натижасида Навоий шаҳрида шаҳарсозлик ишлари талаблари қўпол равишда бузилмоқда, унинг чиройига номуносиб бўлган ноҳуш манзаралар юзага келмоқда. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят электромагнит мослашув хизмати ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган ўрганишлар натижасида "Navoiytelevis" кабел телевидениеси томонидан бир қатор қўпол қондубузарликларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Жумладан, жамиятга берилган лицензия қелишуви шартларига асосан бта хоржий телеканални ретрансляция қилишга рухсат олинган бўлса-да, жамият томонидан ҳозирга қадар 33та хоржий телеканал дастури ноқонуний равишда тарқатиб келинган ва Навоий вилояти ЭММХнинг тегишли рухсатномаларисиз радиоэлектрон воситалардан фойдаланилган. Юқоридаги ва шу каби бошқа бир қатор қондубузарликларга йўл қўйганлиги сабабли "Navoiytelevis" масъулияти чекланган жамияти директори Ҳ.Юлдашевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик Кодекси»нинг 152-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий жавобгарлик қоралари қўрилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 11 июлдаги 34-Л-сонли буйруғи билан "Navoiytelevis" масъулияти чекланган жамиятининг теледастурларини тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабел телевидениеси) фаолият турига берилган лицензиясининг амал қилиши тўхтатилди.

Шунингдек, "Navoiytelevis" МЧЖ ҳамда "Sogd telekom" ХК кабел телевидениелари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хоржий оммавий ахборот воситалари телерадиомаҳсулотларини тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари бузилиб келинган. Мазкур хоржий телеканалларнинг баъзи бирларида миллий кадриятларимизга мос келмайдиган ёт гоғлар мавжуд эмаслиги ҳам қаломат беради? Бугунги ахборот хуружлари авж олган замонда хоржий телеканаллари маҳсулотини кўр-кўрона тарқатиш қанчалик хунук оқибатларга йўла келиши мумкинлигини асло унутмаслигимиз керак.

Албатта, ҳар қандай тадбиркор яхшигина даромадни қўзлаб фаолият юришди. Аммо телевидение фақатгина тадбиркорлик субъектигина эмас. У биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаси эканлигини ҳам унутмаслик зарур. ОАВ эса жамоатчилик фикрини шакллантирувчи муҳим омилдир. Бу эса кабел телевидениелари раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Биз ҳам кабел телевидение ривожланиши тарафдоримиз. Фақат барчаси қонуний асосларда бўлса, нур устига-аъло нур бўлади.

Ғофур ОРЗИКУЛОВ, Навоий вилояти ДАИ бошлиғи

Қонунийлик ва масъулият

Бу борада Навоий вилоятида ҳам ушбу соҳадаги ютуқлар яққол кўзга ташланмоқда. 2006 йили вилоятимизда бта хўжалик юритувчи субъект телерадиоэшиштиришларини тарқатиш фаолиятига лицензия олган ҳолда аҳолига хизматлар кўрсатиб келган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 8тага етди. "Ҳазо" телевидениеси, "Нуро-та" телевидениеси "НМКМ" таркибидаги "Зарафшон" ва "Орион" телестудиялари сафига Хатирчи туман ҳокимлигининг "Хатирчи тонги" телестудияси, "Sogd telekom" хусусий корхонасининг кабел студияси ҳам қўшилди. Маълумки, Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида кабел телевидениеларини ривожлантириш учун қўлай имкониятлар мавжуд. Шу сабабли, бу тармоқда ҳам ривожланишлар кўзга ташланмоқда. Вилоят ҳудудига янги хўжалик юритувчи субъектлар кириб келяпти. Йилдан йилга хизмат кўрсатиш сифати ва миқдори ортиб бормоқда.

Соҳадаги ютуқлар қувонарли ҳол, албатта. Аммо, ҳар соҳа ёки тармоқда бўлганидек, аҳолига кабел телевидениеси хизматини кўрсатиш ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинганлигини унутмаслик лозим. Вилоят ҳудудида аҳолига кабел телевидениеси хизматларини кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг барчаси ҳам қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қиляптимикин?

Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида вилоят ҳудудида ваколатли орган ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар масаларга аңча ойдилдик киритди. Самарқанд вилоятида кабел телевидение хизматларини кўрсатиб келаётган "Sogd telekom" ХК Навоий шаҳрида ҳам пайдо бўлди. Корхонанинг фаолият бошлангани аҳолига хизмат кўрсатишни тақли қилиб тарқатган реклама ва эълон варақаларидан аниқладиқ. Шундан сўнг уларнинг юридик маъназини ва корхона раҳбарини аниқлаш учун бир қанча вақт сарфланди. "Sogd telekom" кабел телевидениеси томонидан Навоий шаҳрида кабел тармоқлари орқали маҳаллий ва хоржий телеканаллар маҳсулотини ретрансляция қилиш

MARG'ILON SHAHRINING 2000 YILLIGIGA

Маргилон шахрининг бугун гўзал ва янада жозибадор чирой касб этишига алоқачилар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида Маргилон телекоммуникациялар боғламаси жамоасининг ишлари таҳсинга сазовор бўлди.




Тўйга тўёна билан

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси ҳам алоқачиларга топширилган ишларнинг юқори савияда амалга оширилишини таъминлаб келди. Бошқарма бошлиғи Нурмуҳаммад Турғунов тўйга катта ҳозирлик кўраётган шаҳарда алоқачилар олиб борган бунёдкорлик ишлари ҳусусида муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Маргилон шахрининг 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш борасида Агентлигимиз ва “Ўзбектелеком” АКнинг тегишли буйруқ ва фармойишлари асосида қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган йилнинг декабр ойида юбилей объектлари рўйхати киритилган 73та кўчада бажарилиши зарур бўлган ишлар белгила олди. Тўққизта йўналишда ишлар амалга оширила бошланди. “Фарғона Телеком” филиали Маргилон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси тасарруфидоги линия-кабел ҳўжалиғи тартибга келтирилди.

Иш кўламининг кенглигини ҳисобга олиб “Ўзбектелеком” АК фармойишига асосан 2007 йил феврал ойидан қўшни Андихон ва Наманган вилоятларидан 50 нафарга яқин малакали мутахассис ёрдамга етиб келишиди. “Фарғона Телеком” филиалидан зарур техника воситалари жалб қилинди. Ишчиларга яшаш ва меҳнат қилиш



учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. 13та гуруҳ белгиланган кўчаларда хавфли кесилмаларни бартараф қилиб, техник меъёр талабларига жавоб бермайдиган ҳаво алоқа линияларини тартибга келтирди. Имкон қадар жойларда ҳаво алоқа линия кабелларини ер ости канализациясига ўтказиш, зарур жойларга симёғочлар ўрнатиш ва алоқа кабелларини электр тарқатиш симёғочларидан

олиш ишлари бажарилиди.

Шаҳарнинг Муस्ताқиллик, Бурхониддин Марғиновий, Туркистон, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Тўралар, Навбахор номли ва шу кўчаларга туташ кўчаларида линия-кабел ҳўжалиғи тартибга келтирилди.

Хуллас, талабга жавоб бермайдиган ва бошқа жойга кўчирилиши зарур бўлган 96та

симёғоч кўчириб олинди, 183 таси эса қайта таъмирланиб, зарур жойларга ўрнатилди, 8 километрли кабел таъмирлаб қайта тортилди, 23 километр кабел ва 44 километрдан ортиқ абонент симлари тартибга келтирилди, симёғочлардаги ерга улаиш ва чақмоққа қарши ҳимоя тизими таъмирланди, зарур жойларга ЯКГ-10х2 ва ЯКГ 20х2 тарқатиш қутилари

маблаг сарфланди. Бу ишларни амалга оширишда кабел пайвандчилар — Асадулло Абдураҳмонов, Муқомжон Абдувалиев, Фозил Аҳмедов, Давлат Холбеков, линия монтажлари — Имарали Қўзибоев, Эркин Абдураҳмонов, Алишер Юсуповлар жонбозлик кўрсатишди.

Ўрни келганда ўзларига юклатилган муҳим ва шарафли вазифалар масъулиятини юракдан ҳис этиб фаолият кўрсатган штаб бошлиғи Ҳалимжон Курбонов, “Фарғона Телеком” филиали раҳбари Нўмонжон Ақбаров, Маргилон ТБ бошлиғи Абдувоҳид Жўрабоев, бош муҳандис Турсунали Юнусов, бошқармадиси етакчи мутахассиси Фанишер Ҳожиболаевлар номини хурмат билан тилга олсак арзийди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалининг Маргилон почта алоқаси тармоғида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Тармоқ биносининг олд қисми, пиёдалар йўлагига плиталар ётқизилди. 12 ва 5-алоқа бўлимлари олд қисмлари ва 1 ва 7-алоқа бўлимлари ҳам таъмирдан чиқарилди. Таъмирлаш ишлари учун жами йигирма миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланди.

Фарғона вилояти “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси томонидан замонавий кўринишдаги 5та матбуот дўкони олиб келинди ва шаҳар меъморчилик ташиқоти билан бамаслаҳат зарур жойларга ўрнатилиб, ишга туширилди. 19та матбуот дўкони қайта таъмирланди. Бир сўз билан айтганда, юбилейга ҳозирлик бўйича ўз зиммаларидаги ишларни ёруғ кўз билан уздаб келишаётганидан алоқачилар мамнун.

Ҳафиза САЛЯҲОВА
ёзиб олди

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида почта алоқаси тармоғини замонавийлаштириш сари салмоқли қадамлар ташланмоқда. Кейинги йиллардаги натижалар бунга ёрқин далил бўла олади. Муҳбиримизнинг тармоқ раҳбари Умарали Баратов билан байрамолди мулоқоти истиқлол берган мана шу бебаҳо имкониятлар ҳақида бўлди.



— Инсон кайфияти ва унга кўтаринки руҳ баҳш этиш иш унумининг ошишида муҳим омиллардан бири. Шу жиҳатдан олганда сиз раҳбарлик қилаётган Денов почта алоқаси тармоғи биносининг нафақат ташқи кўриниши, балки ички шароитлари ҳам касбдошларда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотиши табиий.

— Албатта, улар биринчи навбатда овоз ва обод юрда яшаётганликларини айнан ишдаги ўзгаришлар орқали дилдан ҳис этишади. Муस्ताқилликка эришганимизга шуқроналар билдиришади. Бундай тўйгу кишини улғувор ишларга ундайди. Мен ходимларимиз юз-кўзларида рўй бераётган янгиликлардан мамнунлик аломатларини кўра эканман, муस्ताқиллиқни мустаҳкамлашга қўшилажак ҳисса салмоқли бўлади, деб умид қиламан.

— Бу орзу-умидлар ушалиши учун жамоа аъзоларига етарли шарт-шароитлар яратиб берилганми?

— Биз барча соҳада тезкор хизмат талаб қилинадиган бир даврда яшаймиз. Озгина ҳафсаласизлик қилсак, орда қолишимиз ҳеч гап эмас. Айниқса, халқимизнинг кундалик ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган фаолиятимизга бундай ҳол ярашмайди. Шу боис давр нафасини дарҳол англаб, жаҳон андоза-

ларига мос хизмат кўрсатишга биринчи рақори киришдик. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиали бизни бу борада астойдил қўлаб-қувватламоқда. Бино ичкарасидаги шинамлик, замонавий ахборот технологиялари асосида жиҳозланган хоналар кўзни яшатади. Кейинги икки йил мобайнида электрон пул хўнатмалари хизмати ташқиқ этилди. Илгари тармоқнинг амалиёт зали “Сурхондарё Телеком” филиали Денов телекоммуникациялар боғламаси биносиди эди. Ҳозир эса ёнимизда. Ҳар томонлама намунали бўлган бу шахобчага кирган киши беихтиёр баҳра олади. Интернет-кафе очиш учун лицензия олганмиз. Энг азиз, энг улуг байрамимиз арафасида халқимиз бу қулайликдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Ҳозир бошқарув идораси тўла компютерлаштирилган. Ҳисоб-китоб ишлари мана шу замонавий усулда тезкор бажарилмоқда.

— Демак, яқин йиллар ичида Деновдаги барча алоқа бўлимлари ҳам

шундай имкониятларга эга бўлади.

— Шубҳасиз. Бу йўлдаги ишларни туман ҳўкимлиғи билан маслаҳатлашган ҳолда олиб бораёلمиз. Ҳозиргача мавжуд 28та алоқа бўлими биносининг 22тасини тасарруфимизга олдик. Ушбу иншоотлар босқичма-босқич замонавийлаштирилади. Жорий йилда бу жараён дастлабки иккитасида амалга оширилади. Шундан сўнг аҳолидан коммунал тўловларни ундириш ва бошқа хизматлар кўрсатиш анча осонлашади.

Яқин вақт ичида барча алоқа бўлимлари компютерлаштирилади. Ахборот алмашув жараёни ягона тармоққа уланади. Шу маънода биз малакали ва ёш мутахассис кадрларга эҳтиёж сезиб турибмиз. Бу муаммо ҳам ўз ечимини топади, албатта.

Айни пайтда алоқа бўлимлари бошлиқлари кўл телефони билан таъминланган. Почта хўнатмаларини айрибошлаш учун иккита машинадан фойдаланилмоқда.

Хабарчилик танлаган касбига меҳри

балинд кишилар, улар меҳнатлари қанчалик мушкул бўлмасин, асло нолишмайди. Хабарчилардан 9 нафарини Ижтимоий ҳимоя йилида велосипед билан таъминладик. Намуна кўрсатганларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бораёلمиз.

— Сиз билан энг азиз, энг улуг байрам — Муस्ताқиллик кўнининг 16 йиллиғи арафасида сўхбатлашяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, эзгутиллақларингизни билдирсангиз.

— Аввало, барча юртдошларимизни, ҳамкасбларни яқинлашиб келаётган улуг айём билан жамоамиз аҳли номидан табриклайман. Ишончим комилки, почта алоқаси тармоғимиз ходимлари бундан кейин ҳам муस्ताқиллиқни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўлиш учун ўз куч ва маҳоратларини аямаядилар. Биз эса уларнинг меҳнати унумли бўлиши учун изланишда давом этаверамиз.

Нортожа ЗИЁЕВ
сўхбатлашди

Новости в сфере ИКТ



ЦЕНТРУ UZINFOCOM — ПЯТЬ ЛЕТ



29 июля Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM отметил свой первый юбилей — пять лет со дня создания. Центр был образован в 2002 году согласно Указу Президента Республики Узбекистан и является структурным подразделением Узбекского агентства связи и информатизации (УзАСИ).

Сегодня UZINFOCOM — одна из значимых IT-организаций Узбекистана, активно участвующая в процессе развития информационно-коммуникационных технологий в республике. Центр, в котором работают более 75 специалистов, реализует ряд проектов национального масштаба, а также оказывает широкий спектр информационных, консалтинговых и сервисных услуг в области ИКТ. Деятельность Центра охватывает такие направления, как разработка нормативных документов, администрирование национальной доменной зоны, решение вопросов информационной безопасности, предоставление интернет-услуг, экспертиза IT-проектов, обучение специалистов и ряд других, способствующих внедрению ИКТ в экономике, управлении и социальной сфере.

Одним из основных направлений работы Центра UZINFOCOM является развитие Национальной общественной образовательной информационной сети Ziyonet. Вопросы обеспечения безопасности национальных информационно-коммуникационных систем занимается входящая в структуру Центра Служба реагирования на компьютерные инциденты (UZ-CERT). Научно-образовательная сеть UzSciNet предоставляет льготный доступ в Интернет и услуги хостинга научно-образовательным, культурным и медицинским учреждениям. В качестве администратора доменной зоны UZ Центр реализует меры по обеспечению конкурентной среды в области регистрации доменных имен и повышению качества предоставляемых услуг.

UZINFOCOM проводит широкомасштабные работы по развитию национальных информационных ресурсов в сети Интернет. Среди крупных проектов, осуществляемых Центром — Национальная информационно-поисковая система WWW.UZ. Центр также осуществляет информационное сопровождение и администрирование Портала государственной власти GOV.UZ. Одним из последних проектов Центра стала уникальная для Узбекистана форумная площадка iForum, призванная ускорить процесс внедрения в стране механизма онлайн-взаимодействия между государством и обществом.

Центр UZINFOCOM не собирается останавливаться на достигнутом и будет продолжать работу по развитию и внедрению ИКТ в различные сферы жизни Узбекистана и активизации движения к информационному обществу.

**А. НАЗАРОВ,
А. АТАДЖАНОВ**

УВОЛЬНЕНИЕ СОТРУДНИКОВ ИЗ-ЗА ЭЛЕКТРОННЫХ ПИСЕМ

Компании стали все тщательнее следить за электронной корреспонденцией своих сотрудников, опасаясь утечки корпоративных секретов. В связи с этим, возросло и количество жертв безответственного отношения к переписке на работе. По данным Forrester Consulting и Proofpoint, за последний год более четверти американских компаний увольняли сотрудника за нарушения правил пользования электронной почтой. Как выяснилось, 32% фирм нанимают на работу специальных людей для просмотра исходящих электронных писем, а в компаниях, где работают больше 20000 человек эта цифра приближается к 39%.

В ProofPoint утверждают, что каждое пятое письмо, отправленное офисными служащими за прошедший год с рабочей почты, представляло риск раскрытия юридических и финансовых тайн или другой конфиденциальной информации.

НОУТБУК ПРОДАЕТСЯ ЗА 150 ДОЛЛАРОВ

Шведская компания Medison, похоже, решила составить серьезную конкуренцию разработчикам недорогого ноутбука XO для развивающихся стран, создающегося в рамках проекта OLPC. Дело в том, что Medison предлагает желающим приобрести полноценный портативный компьютер Celebrity всего за 150 долларов США.

Компьютер XO выполнен на основе процессора AMD Geode, оборудован 128 Мб оперативной памяти, 512 Мб флэш-памяти (вместо винчестера), контроллером Wi-Fi и 7,5-дюймовым дисплеем с разрешением 1200 x 900 пикселей.

Кейинги йилларда интернетдан фойдаланувчилар сони кундан-кунга, ҳатто соат сайин ортиб бормоқда. Навоий шаҳри ҳам республикамизнинг ривожланган, замонавий sanoat маркаларидан бири ҳисобланади. Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган бу шаҳардаги чет эллик ҳамкорлар билан тузилган қўшма корхоналарнинг қўлиги интернет хизматига бўлган талабни кучайтириши табиий.



Интернетга марҳамат!

Лекин ундан фақат яхшилик ахтаринг...

— Ҳозирги кунда, — дейди Навоий вилоят «Маишӣ хизмат кўрсатиш» жамоат бирлашмаси расми Гулнора Жабборова, — биргина Навоий шаҳрида 46та компьютер клуби ташкил этилган бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар сони ҳам кундан-кунга ортиб бораётгани улар ўртасида ўзига хос назоратни ўрнатилиши тақозо этади. Компютер технологиялари, ўз ўзидан аёнки, ўсиб келаётган ёш авлодни кўпроқ ўзига тортишмоқда ва кизиқишни орттирмоқда. Бу ижобий ҳол, албатта. Бирок, ўсимлар орасида интернет-кафега кириб, соатлаб қолиб кетадиган, кўпроқ жангари, шафқатсизлик асосига қурилган, тарбиявий аҳамиятга зид филмлар ва клипларга "харидор" бўлаётган ёшларнинг кўпайиб бораётгани кишини ташвишлантиради. Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги, ички ишлар ҳамда солиқ идоралари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгиланган. Гоҳида уйда ноқонуний интернет-кафе очиб, одамларнинг тинчини бузаётган

лар ҳам учраб туради. Масалан, П.Очилов кўчаси 16-уй, 5-хонадонда истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Муборак Нурматовани ана шундайлар сирасига қўшиш мумкин. Кўпчилик ота-оналар болаларининг компьютер ўйинига кизиқиб, уйдан сўрамай пул олиб чиқиб кетишини ана шу «дом»даги «интернет-клуб» касофати туфайли деб баҳоламоқдалар.

Бундай ҳолатларни камайтириш мақсадида ҳар бир компютер марказида ёш болаларнинг узоқ қолиб кетмасликлари учун оғохлантиришни улар зиммасига юкладик. Ваҳоланки, шахримизда ибрат олса арзийдиган интернет-кафелар ҳам оз эмас. Жумладан, Навоий кўчасида жойлашган масканда интернетдан зарур ахборотларни олишда фойдаланилади. Компютер курслари ҳам ташкил этилган. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул компютер курсларида ўқитилиб, уларга сертификат берилмоқда.

Ўтган йили ташкил этилган «Юпитер» клуби ҳам ҳавас қилса арзигулик. Дастлаб фаолият бошлаганида турли ўйинлардан фойдаланган мазкур клуб-

дан қисқа вақтда кераксиз ўйинлар олиб ташланди.

— Клубимизга ҳар куни салкам 200 киши келади, — дейди клуб раҳбари Рустам Тошев. — Улар орасида турли миллат вакиллари, чет эллик фуқаролар, турли ёшдаги кишилар бор. Кўпроқ Навоийда фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг вакиллари бу ерга ташриф буюриб, ўзларини кизиқтирган маълумотларни олишади. Клубимизнинг ташкил қилинишига талабалар сабабчи бўлишган. Ҳозир бу ерда 10та замонавий компютер ҳамда 4 нафар мутахассис мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Ёш тадбиркорнинг мактаблар билан шартнома тузиб, информатика дарсларини чуқурроқ ўргатишни ташкил қилиш режаси ҳам бор.

Шаҳардаги барча мактабгача тарбия муассасаларида компютер ўқитиш методикалари ва психологик ўйинларнинг «Юпитер» клуби ёрдамида тайёрланиши ҳам фақат яхшиликка хизмат қилмоқда.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Хабар»нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Ҳушёрлик — хавфсизлик гарови

Сариосиё туманида Сурхондарё вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари иштирокида кўмондонлик штаб ўқув машқлари бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиалининг туман почта алоқаси тармоғида ҳам бўлишди. Шубҳали почта жўнатмаси келгани аниқланганда тармоқ жамоасининг қанчалик тезкор ва ҳушёр иш олиб бориши синовдан ўтказилди.

Ўқув машқи жамоанинг бундай ҳолатга ҳар томонлама тайёр эканлигини амалда кўрсатди. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиалининг Сариосиё туман почта алоқаси тармоғи кўмондонлик штаб ўқув машқида намунали иштирок этган жамоалар қатори муносиб тақдирланди. Уларга вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда туман ҳокимлигининг «Фахрий ёрлиги» ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Нортожи ЗИЁЕВ,

«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

MOBIL XIZMATI YANGILIKLARI

Фарғонада «Кўчма офис»

«Unitel» МЧЖ Фарғона шаҳрида тўлов карталарини сотиш бўйича янги — «555» такси хизматини йўлга қўйди.

Компания ходимларининг таъкидлашларича, ушбу лойиҳадан мақсад Фарғона шаҳридаги мижозлар учун тўлов карталарини сотиб олишда қулай имконият яратишдан иборат. Ҳозирча лойиҳа Фарғона водийсининг битта шаҳрида йўлга қўйилди, келгусида такси орқали тўлов карталарини сотиш тармоғини бутун Ўзбекистон бўйича кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Исталган йўловчида «Билайн» тўлов карталарини сотиб олиш учун имконият мавжуд — бунинг учун «555» таксиси тўхталилса бас. Бундан ташқари, компания абонентлари 224 62-62 рақамига қўнғироқ қилиб, карталарни уйга келтириб беришга буюртма қилишга ҳам бўлади.

«555» такси хизматининг Фарғона шаҳри бўйлаб ҳаракатланган 15та автомобили мавжуд.



"Халқимиз, аввало, ўсиб, униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафқуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста бобгондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим."

Ислом КАРИМОВ

АХБОРОТ УРУШИ

Келиб чиқиш омиллари, мақсадлари, воситалари, шакллари ва унга қарши курашиш чоралари

(Охири. Аввали ўтган сонларда.)

Фуқаролик жамияти пайдо бўлгандан бери инсон ахборот олиш, тарқатиш ва ундан фойдаланишга эҳтиёж сезиб келади. Албатта, қадимда бу жараён жуда содда кўринишга эга эди. Дунё тараққий этган сари у мураккаблашиб, ахборотнинг жамиятдаги ўрни янада ошди. Давримиз «Ахборот асри» деб ном олгани ҳам беҳиз эмас. Айни пайтда мутахассислар ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ахборот тизими ва технологияларига боғлиқлигини таъкидлашмоқда.

Шу ўринда жамият ҳаётининг турли соҳаларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ижобий натижалар билан бир қаторда, янги «ахборот қуроли» таъсирининг кучайишига олиб келаётганини айтиб ўтиш жоиз. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ахборот ресурслари ва телекоммуникация тармоқларининг ҳимоя чораларини кўриш ва уларнинг бенуҳсон фаолиятини таъминлашга даъват этмоқда.

Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти. Ҳар қандай ахборот оқимининг ёшлар маънавиятига таъсири хусусида гапирганда, аввало, бу масала замирида жамиятимизнинг, давлатимизнинг миллий хавфсизлиги ётганини назарда тутишимиз лозим. Зеро, бу мавзуда сўз оритар эканмиз, икки масала мавзунинг долзарб нуқтасига айланади: биринчиси, ахборот оқими —

мафқуравий таҳдид; иккинчиси — ёшлар маънавияти, яъни турли ахборотларга нисбатан ёшларимизда шаклланган иммунитет масаласи.

Гап шундаки, ахборот оқими ўз моҳиятига кўра маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Унинг ёшларимизга қанчалик таъсир қилиши уларда шаклланган мафқуравий ҳимоя тизимининг мукамаллиги омиллига боғлиқ.

Ахборотлар характери ва тартиби сиёсий оқимнинг таълиқ ва барқарорлиқнинг ўзига хос барометри бўлиб хизмат қилади.

Энди иккинчи масалага тўхталадиган бўлсак, аввало ёшларимизнинг мафқуравий иммунитетини бугунги кунда қандай шаклланган деган савол пайдо бўлади. Мафқуравий иммунитет — ҳар қандай ахборотнинг таъсирига тушиб қолмаслик, уни тўғри идорқ эла олмақлик ва мушоҳада қилиш қобилиятидир. Тўғри, ҳаммада ҳам бундай қобилиятлар бирдек ривожланган эмас. Аммо, бу қобилиятларни шакллантириш, идорқ кўникмаларини ҳосил қилиш, инсон туғилганидан то шахс сифатида шаклланишига қадар давом этади. Хусусан, бунда маълум бир ёшнинг кўп китоб ўқиши, ўз мамлакатини тарихини ўрганиши, урф-одатларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбия топиши, бир сўз билан айтганда, унда миллий эътиқод, миллий фахр шаклланиши муҳим ўрин тутди. Ўз миллати қадриятларини қадрлаган, ўз тарихини билган, Ватанга эътиқоди шаклланган ёшларнинг салбий ахбо-

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2006 йил 25 майдаги 43-сон мажлис қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом»нинг 23-бандига асосан қуйидаги лицензиялар 2007 йил 23 июлдан бекор қилинди:

«IMAGE TV» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқларини қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001020 рақамли;

«КОРГОЛДНЕТ» масъулияти чекланган жамиятнинг (Нукус шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001030 рақамли;

«SAMO-KTV» хусусий фирмасининг (Наманган шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001115 рақамли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом»нинг 23-бандига асосан қуйидаги лицензиялар 2007 йил 23 июлдан бекор қилинди:

«AL-AZIZ» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасининг (Наманган шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000921 рақамли;

«WORLDTRANS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Наманган шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001733 рақамли;

«TUL YAMAVICH - BAXT» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001734 рақамли;

«STOMATOLOG» масъулияти чекланган жамиятнинг (Андижон шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001742 рақамли;

«VIRAJI» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001774 рақамли;

«SARDOR-SAMANDAR-UMAR» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001812 рақамли;

«TINCHLIK-SKY» хусусий корхонасининг (Наманган шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001852 рақамли;

«Алоқа, савдо ва ишлаб чиқариш» фирмасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001857 рақамли;

«ELBEK-ELIT» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001877 рақамли;

«HUSNIDA - SHODLIK» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001897 рақамли.

KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

Бош вазифа – ходимлар манфаатдорлиги

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Андижон филиалида 2006-2008 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2007 йил биринчи ярим йилликда бажарилишига бағишланган жамоа конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда филиал директори Т.Тешабоев ҳамда Андижон вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси шартномаси раиси П.Хошимовлар жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан ҳисобот бердилар.

Нотикларнинг ҳисоботларида 141 банддан иборат жамоа шартномасининг барча бандлари тўлиқ бажарилган, жумладан Ижтимоий ҳимоя йилида ходимлар, ёлғиз пенсионер-

лар ва ногиронларга кўрсатилган ҳомийлик ёрдамлари, ўртача иш ҳақининг шартномада белгиланган кўрсаткичга етказилгани алоҳида қайд этилди.

Конференция ишида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб ва уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов иштирок этиб алоқа бўлимларини филиал балансига олиш, алоқа бўлимларида олиб борилган таъмирлаш ишлари замон талаби эканлиги, алоқа ходимлари ва фойдаланувчиларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритди, эришилган ютуқларни жамоа аҳлининг бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётгани натижаси деб баҳолади.

Йиғилишда асосий хизматлардан ташқари ноанъанавий хизматлар кўрсатиш салмоғининг ортиб бораётгани, ушбу хизмат турини кўрсатиш бўйича ходимларнинг моддий манфаатдорлиги оширилиши юқори самара бераётганлиги эътироф этилди.

Келгусида ҳам аҳолига сифатли почта хизмати кўрсатиш орқали даромадларни ошириш, ахборот-коммуникация технологиялари билан қамраб олинган объектлар сонини кўпайтириш, уларнинг негизда хизматларнинг янги турларини жорий қилиш, ходимларга қулай шароит яратиш, иш ҳақи миқдорини ва ходимлар турмуш даражасини изчил ошириб бориш меҳнат жамоаси ва филиал бошқаруви олдида турган асосий вазифалар деб белгиланди.

Камолитдин ҚАМБАРИДДИНОВ
Андижон вилояти



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Бухоро филиали ҳамда алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига биноан филиал почта алоқаси тармоқларида ходимларнинг маданий-маиший ва меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда фахрийларни мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёхатларга олиб бориш бўйича ҳам самарали иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури»га мувофиқ Наврўз байрами ҳамда Хотира ва Қадрлар кўни муносабати билан 240 нафар пенсионер ҳамда 8 нафар уруш қатнашчисига ёрдам пуллари берилди.

Жойлардаги почта алоқаси тармоқларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, уларни шимна ва ҳар томонлама қулай иш хоналари билан таъмин-

лаш, махсус кийим-бош, пойабзал сотиб олишлари учун белгиланган миқдордаги маблағлар ажратишга доимий равишда эътибор бериб келинган. Биргина хат ташувчиларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида 68та велосипед ажратилганлиги ҳам бунинг исботидир.

Жамоа шартномасининг 2007 йилнинг биринчи ярмида бажарилишига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шулар ҳақида гапирилди. Музокараларда Вобкент ва Шофиркон туманлари почта алоқаси тармоқлари бошлиқлари Олим Турдиев, Иззат Хўжаев, филиал касаб ва уюшмаси кўмитасининг раиси Баҳодир Сафоев ва бошқалар иштирок этдилар. Улар ўз сўзларида жамоа шартномасида бажарилиши кўзда тутилган бандларнинг ўз вақтида амалга оширилиши маъмурият ва касаб ва уюшмаси кўмитаси ўртасидаги барқарор ижтимоий ҳамкорликка кўп жиҳатдан боғлиқлигини таъкидладилар.

Шунингдек, «Бухоро Телеком» филиали ҳамда «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида ўтказилган йиғилишлар ҳам иш беришчи ва касаб ва уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг биринчи ярим йилликда бажарилиши асосларига бағишланди.

Йиғилишларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб ва уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Асқар ИСТАМОВ,
«Хабар»нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

рот оқимлари таъсирини тушиб қолиш эҳтимоли кам. Чунки бундай ёшларда ўзига хос психология ва масалага тўғри баҳо бера олиш пайдо бўлган бўлади. Улар ҳар қандай ахборот замиридаги маълум бир мақсадни ўргана бошлайди.

- Интернетнинг таъсири:
 - ёт, бузғунчи гояларнинг кириб келиши (диний экстремизм, миллатчилик, irqчилик, садизм мисолида);
 - ғарб яшаш тарзига хос, лекин ўзбек менталитетига зид гоялар, қарашларнинг ёшларга таъсири (кийиниш, чекиш, татуировкалар ва ҳоказо);
 - порнографик ахборотларнинг ёшлар тарбиясига таъсири;
 - текширилган ахборотлар (бўхтонлар).
- Интернетнинг улкан имкониятлари, унда ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги, ўз мақсадларини террористик йўл билан амалга оширишни одат қилиб олган ёвуз кучларнинг манфаатларига ҳам хизмат қилади. Бугунги кунда Интернет тизимида юзлаб террористик сайтларнинг манзиллари аниқланган. Террористик сайтлар асосан учта аудиторияга йўналтирилган:
 - Ававалдан мавжуд ва потенциал тарафқашлар.
 - Халқаро жамоатчилик фирми.
 - Муайян мамлакат жамоатчилиги.

Замонавий террорчи гуруҳлар интернетдан асосан, қуйидаги сақиз усул орқали фойдаланадилар: — Психологик уруш,

- реклама ва тарғибот,
- маълумотлар,
- воситалар тўплаш,
- кўлга тушириш ва сафарбар этиш,
- тизимлар ташкил этиш,
- ахборот таъминоти,
- режалаштириш ва координация.

Интернетдаги фаолиятнинг ижобий томонлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- дунёқарашнинг кенгайиши;
- объектив ва негатив ахборотларни қабул қилиб, уларни таҳлил қилиш имконияти (бунда ёш йигит ё қизнинг ахборотга «тўқ бўлиши» ва уларни саралай олиш қобилияти мўҳим аҳамият касб этади. Агар биз турнда ахборот бўлган «дид» бўлмаса у ахборот оқимида «чўкиб» кетиши мумкин);
- масофавий ўқувларда иштирок этиш имконияти;
- ахборотларни танлаш имконияти борлиги.

Бугунги ёшларнинг ақсарияти асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишди. Лекин уларнинг айримларида ахборот имунитети шаклланимаганлиги сабабли, турли мишмилларнинг салбий таъсирини тушиб қолишади. Агар биз турнда хил ғарб сериаллари таъсиридаги, миллий қаҳрамонларимиз жасоратидан беҳабар ўсаётган ёшларимиз маънавиятига чуқур эътибор қаратмас эканмиз, уларнинг зехни ўткир,

дунё билимларини эгаллаган бўлишларига қарамасдан, Ватан манфаати йўлида хизмат қилишларига, бегона гояларга берилмаслигига қафолат ҳам бера олмаймиз. Уларни, энг аввало, Ватанга эътиқодли, урф-одат ва қадриятларимизга садоқатли қилиб тарбияласаккина, исталган бузғунчи ахборотларга қарши бўлган ўз ахборот имунитетлари шаклланди. Ахборот қуроллари сифатида қараладиган воситалар:

- ахборот массивларини йўқ қилиш, бузиш ва тўғрилаш;
- ҳимоялаш тизimini айланиб ўтиш;
- қонуний фойдаланувчилар имкониятларини чеклаш;
- компютер тизимининг техник воситалари ишлашини бузиб ташлаш;
- компютер вируслари;
- мантиқий бомбалар;
- тест дастурларини ишдан чиқарувчи воситалар;
- ахборот айрибошланиши йўқ қилувчи воситалар;
- ҳар хил турдаги хатоликлар.

Ахборот қуролнинг универсаллиги, яширинлиги, вақт ва жой танлаш имконининг етарлилиги ва ниҳоят тежамлилиги унинг ниҳоятда хавфлилигини кўрсатади: у осонгина ҳимоя тизимига яшириниши, уруш эълон қилмасдан аноним шаклда ҳужум ҳаракатларини олиб бориши мумкин.

Неъматулла МҲМИНОВ,
ТАТУ профессори

BILIB QO'YGAN YAXSHI

Инсон улугвор ёшда ҳам тегиш ва бардам, сергайрат юриши учун нималарга эътибор бериши керак?

Россия геронтолог олимларининг таъкидлашларича, организмнинг қариб қолишига ёғлар айбдор экан, аниқроқ қилиб айтганда, организмда мавжуд бўлган ёғ кислоталари. Қондаги ёғ кислоталарининг миқдори умримиз давомида ўзгариб боради. Энг юқори босқичи инсоннинг туғилишида рўй беради. Одамзод йигирма беш ёшга етгунча унинг бўйига ва ҳужайраларнинг бўлинишига қараб ёғ кислоталари фаол тақсимланади боради. Организмнинг ўсиши тўхтагандан сўнг, ёғ кислоталарига эҳтиёж камаёди, лекин унинг қондаги миқдори камаймайди. Шунда организмда ортиқча ёғ кислоталари тўпланиши бошлайди. 50 ёшга келиб ёғ тўқималарининг сони максимал даражага келади ва у ёғ кислоталарини қонга итара бошлайди. Маъмур жараён ўз-ўзидан айрим касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Бу касалликлар — атеросклероз ва кексалар диабет (қандли диабетнинг иккинчи босқичи) ҳисобланади. Кекса ёшли инсонларнинг ўлимига аксарият шу касалликлар сабаб бўлади. Қонда ёғ кислоталарининг авж олган палласи 65-70 ёшга тўғри келади. Кўпчиликнинг ҳаёти асосан шу ёшда поёнига етади.

Вақтли қариб қолишнинг олдини олиш учун ёғли маҳсулотларни камроқ истеъмол қилиш керак бўлади. Инсон ёшига қараб ўз овқатланиш режасини тўзиб чиқиши лозим, албатта. Эрта қаришнинг олдини олиш учун қандай овқатланиш лозим?

АЁЛЛАРГА — ДЕСЕРТ

Аёллар углевод парҳезига риоя қилишлари даркор. Картошка, димланган ва қовурилган сабзавотлар, ширин мевалар, ёрмалар — булар парҳез таркибига кирувчи маҳсулотлар. Ҳар бир аёлга десерт жуда муҳимдир. Айниқса, парҳезга риоя қилган аёлга, чунки унинг овқа-

Ҳаёт — гўзал ва жозибали. Ҳар бир инсон ёшлик даври узокроқ чўзилишини, бинобарин, кексалик билан кечроқ юз кўришишни истайди. Лекин бунинг уддасидан чиқиш осон эмас.

КЕКСАЙИШДАН САҚЛАНИШ МУМКИНИ?

тида ёғ миқдори жуда кам бўлади. Бундай аёлларга ширинликлар давсия этилади. Пирожний ўрнига шакар сепилган мева истеъмол қилишлари мумкин. Ширин чой, ширин лимонадлардан узокроқ юрган маъқул. Уларда организмга дарҳол сингиб кетувчи глюкоза мавжуд. Десертдаги глюкоза эса тўқималарда ёғ тўпланишига камроқ сабаб бўлади.

ЭРКАКЛАРГА — СПОРТЗАЛ

Кўпчилик, эркаклар «Кўп миқдорда овқат ейишим керак», деб ҳисоблайдилар. Лекин бу нотўғри фикр. Ўтган замонларда далада меҳнат қилаётган деҳқонлар йигим-терим пайтида қандай овқат тановул қилганликларини бир эслаб кўрайлик. Улар пивезли ёвгон хўрда ёки қора нонни сутга қўшиб ейишарди — шу овқат бутун кун давомида уларга етарди. Кўл меҳнати билан машғул эркаклар қийин сингувчи углеводли таомлар билан овқатланганлари маъқул. Булар — макарон ва ёрма маҳсулотлари. Ва, албатта оқсилга бой маҳсулотлар (ёғсиз гўшт, твороғни тановул қилишлари керак. Бундай эркакларда мушак тўқималарининг янгилаб туриши юқори даражада бўлгани

учун, оқсилга эҳтиёжлари ҳам юқори бўлади.

Эркаклар овқатланиш билан бир қаторда кўл меҳнати билан шуғулланишлари зарур. Тез сингувчи углеводлар — ширинлик ва пиводан эркакларимиз воз кечганлари маъқул. Агар эркак тез сингувчи углеводлар тановул қилиб, сўнгра кам ҳаракатлики давом эттирса, абдоминал семириш (қорин қисмида ёғнинг тўпланиши) рўй беради — бу вақтли семиришнинг биринчи белгисидир.

БОЛАЛАРГА ОВҚАТ — ТАЛАБЛАРИГА БИНОАН

Болаларнинг овқат рақсониди ёғнинг кўпайиб кетиши уларда жинсий фаолиятнинг вақтли бошланишига — бу эса вақтли қаришга олиб келади. Овқат маҳсулотларида ёғнинг камайиб кетиши ҳам яхши эмас — бу жинсий фаолият этилишининг кечикишига ва наслга таъсир қилади. Шунинг учун болаларнинг овқат рақсонига катта эътибор бериб, улар хоҳиш-истакларини кўпроқ инобатга олиш керак. Кўчадан чиқиб келиб нон бўлагини оғзига



тиққан ўғлимизни ва оғзидан конфет тушмаётган қизимизни уришига шошилмайлик. Ўғил болаларга мушак тўқималарининг янгилаб туриши учун тез-тез овқатланишлари, қизларга эса ёғ тўқималари этилиши учун глюкоза зарур.

Болаларни бир хил режимида ўргатиб, уларни 3-4 хил овқатдан иборат тушликлар билан мажбурлаб овқатлантириш мумкин эмас. Аммо бола овқатга тўймай, яна сўраса қаршилик қилманг. Боланинг «бўридек оч» бўлишини тушуниш осон, чунки организм ёш бўлгани учун эҳтиёжга кўра овқат талаб қилади. Боланинг вазни меъридан ортиқ бўлиб бораётгани сезсангиз, овқатланиш жараёнини бирмунча чегаралаб, меҳнатга кўпроқ жалб қилишга ҳаракат қилинг.

Ҳаётингизни узайтирувчи озиқ-овқатлар: тухум, балиқ ёки кунгабоқар ёғи, қарам, сўт маҳсулотлари билан таомноманингизни бойитишингиз мумкин.

ALOQACHI LUG'ATI

(Давоми.
Аввали Ўтган сонларда.)

Ахборот жамияти (ru — общество информационное; en — information oriented society) — Жамият ҳаётидаги ахборот ва билимларнинг аҳамиятини ошириш, ички ялли маҳсулотдаги (ИЯМ) инфокоммуникация улушининг ўсиши, инсонларнинг ўзаро муносабатларидаги ахборотларни самарали таъминлайдиган глобал ахборот муҳитини яратиш, уларнинг жаҳон ахборот ресурсларига қира олиши ва ахборот маҳсулотлари ҳамда хизматларида ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини қондириш билан тавсифланадиган замонавий цивилизацияни ривожлантириш даражаси.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати (ru — политика в сфере информатизации государственная; en — state policy in the sphere of informatization) — Жамиятнинг геополитик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг умумдавлар устуворликларини таъминлашга ва мамлакатни ахборот жамиятига ўтиши шартларини яратишга йўналтирилиб, ўзаро болганган сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва ташкилий тадбирлар тўплами.

Ахборот маҳсулотлари (маҳсулот) (ru — продукты информационные (продукция); en — information products) — Барча турдаги ахборот ресурслари, дастурий маҳсулотлар, базалар ва маълумотлар банки, ахборотлаштириш жараёнида ишлаб чиқилган бошқа моллар.

Фойдаланувчилар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот.

Ягона ахборот кенглиги (ru — пространство информационное единое; en — unified information space) — Ташкилотлар ва фуқароларнинг ахборот ҳамкорлигини, шунингдек уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайдиган ягона принциплар ва умумий қоидалар асосида иш қоритадиган ахборот-телекоммуникация тизимлари ва тармоқларини юришти ва улардан фойдаланиш базаси ва маълумотлар банки, технологиялар мажмуи.

(Давоми бор.)

Фойдали МАСЛАХАТЛАР

● Эндигина духовкадан олинган торти дарров совуққа олиб чиқишга шошилманг. Ҳавонинг кечкин ўзгариши чиройли кўтарилган тортимингизни кирайиб кетишига сабаб бўлади.

● Қуймоқ тайёрлаётганда 2-3 ошқошқ ўсимлик ёғидан қўшилса, товани ёғлашингизнинг ҳолати қолмайди.

● Қуймоқ пиширишдан аввал товани туз билан артиб олишингизни маслаҳат берамиз. Шунда хамир товага ёпишиб қолмайди.

● Агар ёнғоқлар ўз таъминини йўқотган бўлса, уларни чақмадан, бутунлигича 5-6 кунга намақобга солиб қўйишингиз лозим. Сувдан олинган ёнғоқларни яхшилаб қуриштиб олинг.

● Сабзавотларнинг ранги ўз ҳолига қолиши учун улар қайнаётганда озроқ истеъмол содасидан солиб юборинг.

● Пивез тўғраётганда пичоқни совуқ сув билан тез-тез чабий турсангиз, кўзингиз ёшланмайди.

ШИРАКАЙФ ЧАҚАЛОҚ

Полша жанубидаги Забжи шаҳарчасида ширакайф чақалоқ дунёга келди. Нега энди ширакайф экан, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Гап шундаки, бу ердаги туғруқхона шифокорлари янги чақалоқнинг қонида 1,2 грамм алкоголь борлигини аниқлашди. Бу ҳазилакам гап эмас, ушбу миқдордаги алкоголь катта ёшли одамнинг бир шиша вино ёки икки литр пиво ичгани билан баравардир.

Шифокорлар алкоголь чақалоқ миясига зарар етказиши мумкинлигидан хавотирга тушиб, уни стационар терапия бўлимига жойлаштиришган. Ичкиликка ружу қўйган чақалоқнинг онаси эса рўй берган воқеадан сўнг туғруқхонадан қочиб кетди. Лекин эртаси кун маҳаллий полиция вакиллари томонидан қўлга олинди, дея хабар тарқатди «Reuters» ахборот агентлиги. Ҳозирча аёлнинг яна бешта фарзанди борлиги маълум ва она ичкиликбозликка ружу қўйганлиги учун оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлиб, фарзандлар бувиси ва бобосининг қўлида тарбияланмоқда, дейлади хабарда.



ХАЖДАЖАР

— Кечирасиз, сизга битта савол берсам майлими?
— Ҳа, жаноб. Сиз ўша саволни бериб бўлдингиз.

— Ўртоқ милиционер, менинг қўл соатимни ўғирлаб кетишди.
— Ҳечқиси йўқ. Соат бешдан йигирма дақиқа ўтди.

Тиш дўхтири чўнтагидан ҳамменини чиқариб пул санай бошлаган беморга деди:
— Хизмат ҳақини бугун тўлашингиз шарт эмас.
— Биламан. Мен нархоз беришингиздан аввал ҳаммениндаги пулларимни санай қўймоқчиман, холос.



ИРОҚ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Ироқ терма жамоаси Осиё кубоги финалида Саудия Арабистони терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Осиёнинг янги чемпионига айланди.

Учрашувдаги ягона гол терма жамоа сардори Юнус Маҳмуд ҳисобига ёзилди. Мусобақанинг тўпурарига айланган бу футболчи ташкилотчилар томонидан 25 минг АҚШ доллари мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ўз тарихида биринчи бор қозонилган йирик муваффақият Ироқ президенти Жалол Талабоний эътиборидан ҳам четда қолмади: терма жамоанинг ҳар бир аъзосини 10 минг АҚШ доллари билан мукофотлаш ҳақида қарор чиқарилди. Юнус Маҳмуд учун эса алоҳида 20 минг АҚШ доллари ҳисобида мукофот пули ажратилди. Президент бу ғалабани тарихий воқеа дея эътироф этди.



© 2007 Asian Football Confederation

ХАЛҚАРО ТУРНИР

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (18 ёш) Хитойда бўлиб ўтаётган "Weifang Cup" турнирида иштирок этмоқда.

Олтита жамоа ўзаро баҳс олиб бораётган мусобақада Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари учта ўйин ўтказди.

Биринчи турда Хитой ёшлар терма жамоасига 2:1 ҳисобида имкониятни бой берган вакилларимиз кейинги икки ўйинда ғалабага эришди. Корея Республикаси футболчилари 3:2, Хитойнинг "Шаньдонг Луненг" ёшлар жамоаси 2:0 ҳисобида мағлуб этилди. Уч



учрашувда 5 тўп киритган ҳужумчимиз Санъат Шихов турнир тўпурари бўлиб турибди.

«ДИНАМО» КИЕВДА ЯНА БИР ЎЗБЕК ФУТБОЛЧИСИ

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси ҳамда "Машъал" клуби ҳужумчиси Камолитдин Мирзоев Киевнинг "Динамо-2" клуби футболчисига айланди, дея хабар бералди www.uzfootball.com сайти.

20 ёшли ҳужумчимиз тез орада "Динамо-2" жамоаси таркибига киритилди ва Украина чемпионатининг биринчи лигасида тўп сура бошлайди. Агар Камолитдин ўзини ҳар томонлама кўрсата олса, "Динамо" клуби у билан узоқ муддатли шартнома имзолайди.



чемпиони россиялик Султон Ибрагимов жангига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди.

Ушбу жанг 13 октябр куни Москвадаги 14 минг кишини ўз бағрига сиғдира оладиган "Муз саройи"да бўлиб ўтади. Чипталарнинг нархи 300дан 75000 рублгача этиб белгиланган.

ЧАГАЕВ- ИБРАГИМОВ: 14 МИНГ МУХЛИС ОЛДИДА

2 август куни ИТАР-ТАСС матбуот марказида суперойир вазнининг WBA чемпиони Руслан Чагаев ҳамда WBO

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Август ойининг 22-санасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Украина термаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Икки мамлакат футбол федерациялари бу борада келишувга эришган. Ўйин Киевнинг "Динамо" стадионида бўлиб ўтади.

Рауф Инелеев жамоаси ушбу ўйинда жиддий синовдан ўтади. Сабаби сўнги йилларда Украина жамоаси Европанинг энг кучли терма жамоаларидан бирига айланди. Қолаверса, терма жамоанинг янги кучлари – Азиз Хайдаров, Азиз Ибрагимов ва Виталий Денисовлар таркибдан жой олишмайди. Чунки улар айнан шу куни Олимпиада ўйинлари сўнги саралаш босқичининг биринчи турида Корея Республикаси футболчиларига қарши майдонга тушишлари керак.



© 2007 Asian Football Confederation

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши кубоги учун мини-футбол бўйича Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий мусобақасининг навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди.

2-тур

"А" гуруҳи

ТАТУ – Алоқабанк – 10:2
ДАИ – ЎзТТБМ – +:–
Матбуот тарқатувчи – ФТМТМ – 1:15

"С" гуруҳи

Тошкент почтамати – ЮНИТЕЛ – 3:7
Алоқа коллежи – ДФХ – 1:7
ТШТТ – ЎзНЕТ – 16:2
ДАИ – ЎзТТБМ жамоалари ўртасидаги ўйинга ЎзТТБМ жамоаси келмаганлиги сабабли, мусобақа низомига кўра уларга техник мағлубият ёзилди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
руйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶
Реклама матнларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

753-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 7881 нуска.


Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БҮРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

«ШОХРУХ» КРОССВОРДИ



ЭНИГА:

10. Тухуми астма ва гипертонияга даво бўлувчи куш. 11. Шахмат бўйича ҳиндистонлик жаҳон чемпиони. 12. Қадимги Испания. 13. Кўзгудаги тасвир. 14. Энг узун захарли илон. 15. Рақс кечаси. 16. «Эркак киши — оила ...и». 18. Ўзбек тили мансуб бўлган тил оиласи. 20. Шифобахш ўсимлик. 22. Узунлиги 0,2 метрдан 20 метргача етувчи сув йиртқичи. 200дан зиёд тури бор. 24. Қурилиш материалли. 25. Юнон алифбосидаги ҳарф, «туғалланганлик» маъносини англатади. 26. Тропик дарахт. 27. Илтимос, илтижо. 28. Россияда жойлашган қўл. 30. Гап-сўз, миш-миш. 37. Жуда, энг. 38. Шахматда шохнинг рух билан ўрин алмашиб ёнмаён кўйилиши. 39. Шохлар кошонаси. 42. Кубанинг энг машҳур маҳсулоти. 43. Аёллар исми (русча). 44. Доимий эсувчи шамол.

БЎЙИГА:

1. Кавказлик. 2. Ҳиндистон ва Покистон оралиғида жойлашган сахро. 3. «...лик болалар» — бадий филм. 4. Италия «А» сериясидаги футбол жамоаси. 5. Хитой айиги. 6. «... ҳақиқатлар» — ток-шоу. 7. Саудия Арабистонидаги шаҳар. 8. Соч қуриладиган асбоб. 9. Япон императорларига хос бу унвон «Буюк дарвоза» маъносини англатади. 17. Супермаркетнинг аждоди. 19. Паровоз, тепловоз, электровоз сингари транспорт воситаларининг умумий номи. 21. Франциядаги дарё. 23. Косиб меҳнати маҳсули. 29. ... хлорид — ош тузи. 31. Қимматбаҳо тош ва металлларга ишлов берувчи уста. 32. Ойбекнинг «Қутлуг қон» романидаги тимсол. 33. Қимматбаҳо қоғоз. 34. Ҳужжатларни сақловчи муассаса. 35. Илгари, бурун, қадим. 36. Кийим-бош. 40. Қадимда Ўрта Осиёда яшаган қабила шу ном билан аталган. 41. От (фодсча).

33. Ақша, 34. Ақша, 35. Ақша, 36. Сахро, 37. Ақша, 38. Ақша, 39. Ақша, 40. Ақша, 41. Ақша, 42. Ақша, 43. Ақша, 44. Ақша.
 1. Чекмас, 2. Тап, 3. Танга, 4. Пана, 5. Пана, 6. Ойла, 7. Жилда, 8. Фен, 9. Микло, 10. Ботана, 11. Аяна, 12. Иберия, 13. Ас, 14. Рампа, 15. Бат, 16. Устун, 17. Унвонлар, 18. Косиб, 19. Локомобил, 21. Луара, 22. Лапа, 23. Лапа, 24. Капан, 25. Онега, 26. Пана, 27. Учин, 28. Онега, 30. Овога, 31. Ута, 32. Сира, 33. Сира, 34. Сира, 35. Сира, 36. Сира, 37. Сира, 38. Сира, 39. Сира, 40. Сира, 41. Сира, 42. Сира, 43. Сира, 44. Сира.

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 йилда чиқарилган ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон иқтисодийотидаги энг янги ютуқлар» почта маркалари туркуми. 2001 йил. 24 август.

359-363. Купонли почта маркалари туркуми.

З.СЕЙФУЛЛАЕВА дизайни.

Ўзбекистонда автомобил қурилиши ривожланишига бағишланган. Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан.



359. "NEXIA" почта маркаси.
 360. "DAMAS" почта маркаси.



361. "TICO" почта маркаси.
 362. "MATIZ" почта маркаси.

359-362 маркалар горизонтал ҳолатда жойлашган 2 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақда 4тадан марка, 2тадан купон бор.



363. "UzDAEWOO-avto" почта маркаси.
 Маркада заводнинг йиғиш цехи тасвирланган. Варақда 2та марка ва 2та купон бор.

Маърифат вақти!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси Сурхондарё вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ашурали ДАМИНОВни қутлуг 60 ёши билан муборакбод этади. Унга бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик тилаб қолади.

«Фаргона Телеком» филиали Сўх телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама бошлиғи Мирзоали ШЕРОВни тугилган куни билан табриқлайди. Унга узоқ умр, хонадонига тинчлик-омонлик тилайди.

«O'ZALOQAKONSALTING» MCHJ

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган субъектларга, юридик шахсларга, тадбиркорларга, раҳбар-мутахассисларга уларнинг фаолият юритишлари учун зарур бўлган республика қонунлари, қонуности ҳужжатлари, давлат, соҳа стандартлари, меъерий ҳужжатлар рўйхатларини тайёрлаб, улар билан тез фурсатларда сифатли ва нисбатан арзон нархларда тўлиқ таъминлаб бериш имкониятига эга. Субъектлар, раҳбарлар, мутахассислар, юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар мурожаатлари асосида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига тааллуқли саволларга жавоблар ва маслаҳатлар бериш ва уларнинг буюртмалари асосида норматив ҳужжатлар, инвестиция лойиҳаларига «Техник-иқтисодий асослаш» лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тез ва сифатли экспертиза қилиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ва субъектлар фаолиятига оид ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш имкониятлари мавжудлигини билдиради.

Шунингдек, «O'zAloqaKonsalting» MCHJга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг АА №0001874-сонли «Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини», АА №0001875-сонли «Шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини» лойиҳалаш учун 2007 йилнинг 27 февралда лицензиялар берилган.

«O'zAloqaKonsalting» жамияти маҳаллий ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш учун тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқаради.

Марҳамат, мурожаат қилинг, хизматингизга доим тайёрмиз!
 Манзилимиз:
 100000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
 Телефонлар: 137-02-26 — факс; 137-23-86 — консалтинг хизматлари; 137-13-83 — инжиниринг ишлари; 137-47-13 — қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси.
 e-mail: bikmetov@consalting.uz, www.consalting.uz

Келгуси сонларда:

СОЛИҚ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ТЎЛАНАДИ

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида қарийб 6000дан ортиқ юридик шахс мазкур лойиҳанинг фойдаланувчилари ҳисобланади. Яъни, улар мамлакатимизда биринчилардан бўлиб солиқ маълумотларини иш жойларининг ўзидан электрон тарзда топширмақдалар.